● *МУНОСАБАТ*

**Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритгач, икки улкан вазифани амалга оширишга киришди. Улардан бири — миллий иқтисодиётни барпо этиш бўлса, иккинчиси — бозор муносабатларига ўтишдан иборат. Ҳар иккала вазифанинг янги жамиятни барпо этиш, давлат мустақиллигини мустаҳкамлашдаги аҳамияти беқиёсдир.**

# МУСТАҚИЛЛИК — МАҲДУДЛИК ЭМАС

Миллий иқтисодиётни вужудга келтириш ва ривожлантириш ижтимоий ишлаб чиқариш структурасини такомиллаштириш орқали мамлакат халқ хўжалигининг ташқи омилларга боғлиқлигини камайтиради. Ҳеч кимга сир эмас, узоқ йиллар давомида қарор топган иқтисодиётимизнинг қиёфаси аграр, мустамлака структурадан кам фарқ қилиб, бир томонламаликка, марказий саноат районларига хомашё ва ярим тайёр маҳсулотлар етказиб беришга асосланган эди.

Натижада, Ўзбекистоннинг Россия ва бошқа республикалардан келтириладиган ишлаб чиқариш ва истеъмол молларига боғлиқлиги кучайиб борди. Иқтисодий ўсишнинг ташқи омилларга боғлиқлиги якунловчи ишлаб чиқариш босқичлари аҳамиятнинг ҳаддан ташқари ошувига, маҳаллий машинасозликнинг заифлашувига олиб келди. Ўзбекистонда барча саноат маҳсулотлари таркибида машинасозликнинг ҳиссаси 20 фоизга ҳам етмасди. Бунинг оқибатида ташқаридан маҳсулот киришининг асосий йўналиши саноат асбоб-ускуналари, технологиядан иборат бўлиб қолди. Машинасозликнинг суяги ҳисобланадиган дастгоҳсозлик ҳаддан ташқари суст ривожланди. Бундай номутаносибликларга барҳам бермасдан туриб, мустақил, ҳозирги замон иқтисодиётини барпо этиб бўлмас эди. Мустақиллик йилларида қуриб ишга туширилган юзлаб янги завод ва фабрикалар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктура объектлари мамлакат иқтисодиётини юксалтиришда, ташқи бозорга қарамликка барҳам беришда дадил қадамлардан бўлиб ҳисобланади. Илгари автомобилни ҳам, ғалла ва спиртни ҳам ташқаридан келтирар эдик. Аммо мустақиллик — маҳдудлик эмас. Ҳеч ким авторкизмни, ўз эҳтиёжларини фақат ўз ички ресурслари ҳисобига ўзи таъминлашни даъво қилаётгани йўқ.

Миллий иқтисодиётни барпо этиш йўлидаги саъйи-ҳаракатимизни маҳдудликка йўйётганлар ҳам йўқ эмас. Улар бунинг исботи сифатида Ўзбекистоннинг МДҲ мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларининг йилдан-йилга камайиб бораётганини, мустақилликнинг дастлабки йилларида осон ва мўмай даромад топиш илинжида ёпирилиб келган бизнесменларнинг ҳозир бироз сийраклашиб қолганини далил қилиб кўрсатдилар. Аммо Ўзбекистон ҳукумати очиқ иқтисодиёт тарафдори. Халқаро ва ички бизнесни, тадбиркорлик ҳамда рақобатни ривожлантириш борасида қабул қилинган қатор фармон ва қарорлари бунинг исботидир. Бозор иқтисодиёти гўё қатнов икки томонлама бўлган кўча. Товарларнинг кириши ва чиқиши учун бир хил имконият яратилишини тақазо этади. Ташқарига мол чиқмаса, мол кириши ҳам қийин. Бугун ер юзида айрим, ярим ёввойи қабилаларни ҳисобга олмаганда, ёпиқ, ўзини ўзи таъминлайдиган мамлакат, халқ қолмаган.

Ҳозир Ўзбекистоннинг 100 дан ортиқ мамлакатлар билан ташқи иқтисодий алоқалар олиб бораётганини айтиб ўтишнинг ўзи кифоя. Ташқи савдо оборотида экспортнинг ҳиссаси 49,3, импортники 50,7 фоизни ташкил этмоқда. Тўғри, ўтган йил якунлари бўйича мамлакатимиз ташқи савдо оборотида узоқ хорижий мамлакатларнинг ҳиссаси 72,4 фоиз, шу жумладан, экспортда 77,1, импортда 67,9 фоизга тенг бўлди. Ҳамдўстлик мамлакатларининг ташқи савдо оборотидаги ҳиссаси эса 27,6 фоизга, шу жумладан, экспортда 22,9, импортда 32,1 фоизга етди, холос. Мамлакатимиз ташқи савдо фаолиятида АҚШ, Германия, Жанубий Корея каби ривожланган мамлакатларнинг ҳиссаси ортмоқда. Айримларга айни шу нарса ёқмаётган бўлиши мумкин. Аммо бу тенденция соғлом тенденция ва бундан кейин ҳам давом этади. Чунки бозорда нимани кимдан харид қилишни ҳар кимнинг ўзи танлагани маъқул.

Гап йўқ. Бу борада ҳали айрим камчиликлар мавжуд. Ташқи савдо таркибида ҳудудларимизнинг ўрни бир хил эмас. Айрим чет эл мамлакатлари билан савдо-сотиқни икки томонлама ривожлантириш имкониятлари бор. Ва, ниҳоят, экспортимиз таркибида пахта толасининг ҳиссаси (38,1 фоиз), импортда эса машина ва асбоб-ускуналар (29,5 фоиз) ва озиқ-овқат молларининг улуши (35,8 фоиз) юқорилигича қолмоқда. Бу нисбат келажакда, албатта, такомиллашади.

Ўзбекистон ташқи савдо обороти, иқтисодий муносабатларнинг бошқа шакллари орқали жаҳон хўжалик системаси билан тобора интеграциялашиб бормоқда, халқаро бозорда ўз ўрнини топмоқда. Авторкизм, маҳдуд ёхуд ёпиқ иқтисодиётга келадиган бўлсак, бу хўжалик юритишнинг табиий, соғлом ҳолати эмас. Тўғрироғи, у — маълум мақсадни кўзлаб амалга ошириладиган сиёсат. Бундай сиёсатнинг мамлакатимизда шаклланаётган миллий иқтисодиётга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Мустақилликни алоҳидаликдан фарқламайдиган баъзи бир кимсалар буни кўра билмасликлари мумкин. Амалда маҳдудлик мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан савдо айирбошлаш алоқаларидан холи бўлган, ўзини ўзи тўлиқ таъминлайдиган иқтисодий тартиботини англатади. Бу ерда гап барча мавжуд ички ресурсларни сафарбар этиш, бозорни қатъий регламентлаш, мамлакатдаги эҳтиёжларни фақат ўз ички воситалари ҳисобига қондириш орқали иқтисодий ҳаётни ташкил этиш ҳақида бормоқда. Техник жиҳатдан бундай сиёсат сунъий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга кенг кўламларда ўтишни билдиради.

Иқтисодий маҳдудлик йўлини танлаш амалда буйруқбозлик ва тоталитар структураларни яратиш билан кечади. Хомашёдан фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва айирбошлаш устидан қатъий назорат ўрнатиш, фондлар ва лимитлар бўйича тақсимлаш бундай сиёсатга хос белгилардир.

Ҳозирги замонда истеъмолчиларнинг ўта турфа хиллиги ва хомашё материалларининг тарқоқлиги туфайли авторкизм кенгайган шакл ёки бўлмаса иқтисодётнинг айрим қисмини ўз ичига олиши мумкин.

Урушдан олдин Германия ва Италия авторкизм йўлидан борганди. Бундан мақсад миллий қувватларни тўла сафарбар этиш ва ўз иқтисодиётини чет эллик мол етказиб берувчилардан халос қилиш эди. Урушга бевосита тайёргарлик даврида улар табиий хомашёларнинг ўрнини босадиган товарлар ва сунъий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантирдилар: ташқаридан мол киритиш тўхтатилди, валюта айирбошлаш устидан назорат ўрнатилди, тўла бандлик таъминланди. Бу сиёсат аввал миллий доирада амалга оширилди. Аммо миллий ресурслар чекланган савдо-сотиқ йўли орқали мамлакат эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотларни олишдан воз кечилган эди. Нима қилиш керак? Мана шундай шароитда «ҳаётий макон (майдон)» доктринаси илгари сурилди. Ички эҳтиёжларни қондириш учун зарур бўлган ресурсларни экспансия, босиб олиш йўли билан амалга ошириш бошланди. Янги ҳудудларни босиб олиш қўшимча хомашё манбалари, ишлаб чиқариш қувватлари ва ишчи кучига эга бўлишни англатарди. Германия томонидан босиб олинган мамлакатлар авторкия характеридаги ягона «немис майдони»га интеграциялаштирилган эди.

Собиқ Совет Иттифоқи ҳам социалистик иқтисодиёт барпо этиш мақсадида амалда бошқа дунёдан ажралиш йўлига ўтди. Сталинчилик даври экспансиявий маҳдудликдан бошқа нарса эмасди. «Социалистик майдон» ана шу йўл билан вужудга келтирилди.

Булардан ташқари, тўла бандликка эришиш шиорлари билан иқтисодий блокларга бирлашиш, миллий хўжаликни жаҳон хўжалик тизимидан сунъий девор орқали ажратишга уриниш ҳоллари бўлди. Бу сиёсат гўё ташқи таъсирни ўтказмайдиган «сақлагич қопқоқ» вазифасини ўташи керак эди.

Миллий иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантириш, жаҳон ҳамжамияти билан бевосита интеграциялашишга астойдил ҳаракат қилаётган мустақил давлатни-ку қўйиб турайлик, лекин турли хил «иккилик», «тўртлик» тузишга уринаётганлар амалда минтақавий маҳдудлик сари бораётганликларини билишадими? Нима учун бир иттифоқнинг ичида бировлар божхона тарифлари, қўшимча қиймат солиғини ҳисоблашда имтиёзга эга, бошқалари эса бундан истисно бўлиши керак?

Ўзларини «катта тўртлик» деб атаётган Россия, Белорус, Қозоғистон ва Қирғизистон иттифоқига зимдан назар ташланса, «социалистик макон»да бир вақтлар қарор топган авторкия эсга тушади. Собиқ СССР тарқалиши арафасида Россия, Украина ва Белорусдан иборат славян ҳудудини интеграциялаштиришга уриниш юз берган эди. Кейинчалик «Евроазия», «конфедерация» ғоялари майдонга чиқди. Улар қандай шаклларда бўлмасин, барибир МДҲнинг моҳиятига, қолаверса, бозор иқтисодиёти қонуниятларига зиддир. МДҲ таркибида турли хил иттифоқларни тузишга уриниш республика, давлатлар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилмайди, аксинча, мавжуд муносабатларни ҳам заифлаштиради. МДҲ, йўлбошчимиз Ислом Каримов Кишинёвда таъкидлаганидек, ҳар томонлама иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган бўлиб, унинг бош тамойили мамлакатлар ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган. Биз бугун бу имкониятлардан тўлиқ фойдаланаяпмизми? Йўқ, албатта. Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат, капитал, товар ва хизматлар ҳаракати учун иқтисодий макон қанчалик кенг бўлса, шунчалик яхши. Агар уларнинг йўли турли хил иқтисодий блоклар, сунъий иттифоқлар билан тўсиладиган бўлса-чи? Шунчалик зарарлидир. Тўғри, бошқа давлатлар билан савдо-сотиқ алоқаларида қулай шароитга эришиш ва ўзаро божхона имтиёзларига эга бўлиш учун давлатларнинг регионал уюшмалари тузилиши мумкин. Шундай уюшмалардан бири — «Бенилюкс» (Бельгия, Люксембург ва Нидерландия, охиргиси урушдан кейин қўшилган) 1921 йилдаёқ ташкил топган эди. Унинг асосий мақсади божхона иттифоқи, қишлоқ хўжалиги ва металлургия соҳаларида бир-бирига ўзаро имтиёзлар беришдан иборат эди. Кўриниб турибдики, бу иқтисодий уюшма ҳам, Европа иқтисодий ҳамжамияти ҳам, нефть ишлаб чиқарувчи араб давлатлари ёки каучук ишлаб чиқарувчи Лотин Америкаси давлатлари халқаро иқтисодий иттифоқлари ҳам икки асосий принципга — территориал ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг бир-бирларига яқинлигига асосланади. Марказий Осиё иқтисодий интеграцияси ёки умумий бозори тўғрисида гап кетганда эса, яна умумий менталитет, тарих, тил, анъаналар ва дин бирлиги каби қўшимча омиллар ҳақида ҳам гапириш лозим. Булардан ташқари, регионда кўплаб бир хил турдаги маҳсулотлар: нефть, кўмир, олтин, пахта, ғалла ва бошқалар жуда катта миқдорда ишлаб чиқарилади. Бу ерда мавжуд сув, темир йўл, электр қуввати ишлаб чиқариш, моддий ва ижтимоий инфраструктура унсурлари шундай шаклланганки, улардан фақат биргаликда фойдалангандагина юқори самараларга эришиш мумкин. Орол ва бошқа экологик муаммолар ҳам регионда ягона лойиҳа ва дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишни тақозо этади.

Аммо «иккилик» ва «тўртлик»ка кирувчи давлатлар, айниқса, Белорусь ва Қозоғистон, Қирғизистон ва Белорусь ўртасида ана шундай умумийликлар, хўжалик-иқтисодий, тарихий-маданий бирликлар борми? Бу саволга ижобий жавоб бериш қийин. Ким билади, балки бу ерда соғлом иқтисодий заруратлардан кўра, сиёсий мақсадлар устунроққа ўхшайди.

Биз мустақилликка миллий тўнимизга ва регионал хусусиятларимизга ўраниб олиш учун эришганимиз йўқ, аксинча, Ўзбекистоннинг жаҳонни, жаҳоннинг эса Ўзбекистонни кашф этиши учун, умуминсоний қадриятлардан тўғридан-тўғри баҳраманд бўлиши учун эришганимиз.

Умуминсонийлик ва миллийлик кесишган нуқталар бугун тараққиёт марказларидир. Ҳамма учун бир ва кенг дунёни турли хил иттифоқ ва уюшмаларга сунъий бўлишига уриниш турли хил даражадаги маҳдудликдан бошқа нарса эмас. Маҳдудликнинг эса келажаги йўқ.

**Нурислом ТЎХЛИЕВ,**
**иқтисод фанлари доктори, профессор.**

*Конституциянинг беш йиллигига*

# ИЛМИЙ АНЖУМАН МАВЗУСИ - МАМЛАКАТНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИ

**Ўзбекистон Республикаси Конституцион Суди мамлакат Фанлар академияси ва Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрида, Бекобод ва Бўка туманларида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг беш йиллигига бағишлаб, "Жамиятимизни демократиялашнинг ҳуқуқий кафолати" мавзусида илмий-амалий конференция ўтказди.**

Унда Олий Мажлис депутатлари, муассасалар, корхоналар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва судларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг, жойлардаги давлат ҳокимият органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари иштирок этди.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Конституцион Судининг раиси Б. Эшонов, Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг директори, профессор А. Жалолов, профессорлар Х.Раҳмонқулов, М.Файзиев ва бошқалар Асосий Қонун Ўзбекистон диёридаги энг кўп эркинликлар берувчи энг яхши Конституция эканини айтишди. Асосий Қонун меъёрлари ижтимоий ҳақиқатга айланди, конституцион меъёрлар фуқароларнинг онгига чуқур сингди ва халқ томонидан тўла эътироф этилди. Конституциянинг асосий сиёсий аҳамияти шундаки, у мустақил давлат - мустақил Ўзбекистон Республикаси вужудга келганини қонун сифатида тасдиқлади.

Конституция беш йил давомида ижтимоий сиёсий Барқарорликни, фуқаролар тинчлигини, одамларнинг хавфсизлигини ва миллатлараро тотувликни сақлаб туришга ва мустаҳкамлашга ёрдам берди. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти эътироф этган бу ютуғи ўтиш даври зиддиятларини бартараф этишнинг энг муҳим шартларидан бири, мамлакатнинг янгиланиш ва тараққиёт йўлидан олға боришининг гарови бўлиб қолди.

Бутунлай янги ҳолатни - фуқаронинг демократик мавқеини алоҳида кўрсатиш керак, дейилди анжуманда. Унинг мавқеи мамлакатда амалга оширилаётган барча ишлар учун юксак масъулият, давлатга ишонч ва у амалга ошираётган ислоҳотлар йўлини қўллаб-қувватлаш билан фарқ қилади.

Мамлакатимиз Конституция туфайли инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролар жамиятини шакллантириш йўлида анча олға қадам қўйди, маъмурий-буйруқбозлик тузумидан қонун ёрдамида бошқарувга ўтди, инсон манфаатлари изчиллик билан амалга оширилмоқда. Конституциямиз буюк келажакнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Конституциянинг беш йиллиги муносабати билан илмий-амалий анжуманлар бошқа шаҳарлар ва туманларда ҳам ўтказилади.

**(ЎзА)**



*«Қаршиқурилишиндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли йирик панелли уйсозлик заводида тураржой иншоотлари учун керакли барча турдаги маҳсулотларни тайёрлаш билан бир қаторда кўприклар, темир йўллар ва йирик саноат корхоналари қурилишида ишлатиладиган буюмлар ҳам тайёрланмоқда.*

*Ҳозирда заводда йигирма турдан ортиқ турдаги темир-бетон материаллари, шу жумладан, «Ғузор — Бойсун — Қумқўрғон», «Яккабоғ — Чироқчи» темир йўллари, Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи, Кўкдумалоқ нефть конлари қурилишлари учун маҳсулотлар тайёрланиб, пешма-пеш етказиб турилибди.*

***СУРАТЛАРДА:** завод ишлаб чиқариш техника бўлими бошлиғи Эрол Эролов ва қолиплаш цехи етакчиси Камолиддин Пирназаров; завод цехларидан бирида.*

**Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.**



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 1 декабрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 53,47 |
| 1 Австрия шиллинги | 6,35 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 132,87 |
| 10 Бельгия франки | 21,67 |
| 1 Голландия гульдени | 39,67 |
| 10 Греция драхмаси | 2,85 |
| 1 Дания кронаси | 11,74 |
| 1 БАА дирхами | 21,48 |
| 1 АҚШ доллари | 78,90 |
| 1 Миср фунти | 23,24 |
| 1 Ирландия фунти | 116,69 |
| 1 Исландия кронаси | 1,11 |
| 10 Испания песети | 5,29 |
| 100 Италия лираси | 4,56 |
| 1 Канада доллари | 55,36 |
| 1 Хитой юани | 9,53 |
| 1 Қувайт динори | 259,54 |
| 100 Ливан фунти | 5,18 |
| 1 Малайзия ринггити | 22,41 |
| 1 Германия маркаси | 44,71 |
| 1 Норвегия кронаси | 10,97 |
| 1 Польша злотийси | 22,36 |
| 10 Португалия эскудоси | 4,38 |
| 1 Сингапур доллари | 49,48 |
| 1000 Туркия лираси | 0,40 |
| 1 Финляндия маркаси | 14,80 |
| 1 Франция франки | 13,36 |
| 1 Швеция кронаси | 10,18 |
| 1 Швейцария франки | 55,27 |
| 1 ЭКЮ | 88,53 |
| 10 Жанубий Корея вони | 0,67 |
| 10 Япония иенаси | 6,18 |
| 1000 Россия рубли | 13,33 |
| 1 Украина гривнаси | 41,81 |
| 1000 Беларусь рубли | 2,62 |
| 1 Эстония кронаси | 5,59 |
| 1 Латвия лати | 134,87 |
| 1 Литва лити | 19,73 |
| 1 Қозоғистон тенгеси | 1,04 |
| 1 Қирғизистон соми | 4,52 |

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

● *ҚИШ ЮМУШИ*

# ЕРНИНГ УМРИ УЗАЯДИ

**Ернинг шўрини ювиш, зовур ва коллекторлар барпо этиш билан суғориладиган майдонларни яшартириб, ҳосилдорлигини ошириб бориш мумкин. Бу соҳада Қашқадарё вилоятида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Вилоят коллектор — дренаж тизимлари бошқармаси бошлиғи Илҳом ҚУРБОНОВ билан мухбиримиз суҳбати ана шу мавзуга бағишланди.**

**— Кузги йиғим-терим ишлари ҳам ортда қолди. Лекин қишлоқ кишиси бу билан тинчиб ўтиргани йўқ. Келгуси йил ҳосили учун тайёргарлик кўраётир. Экинзорлар шудгордан чиқарилаяпти, шўр ювиш, зах қочириш ишлари кенг кўламда бошлаб юборилди. Кейинги пайтда мелиорация тадбирлари ҳукумат миқёсидаги вазифалар қаторига киритилди. Вилоятда бу соҳада қандай тадбирлар амалга ошаётир?**

— Бу йил вилоятимиз меҳнаткашлари 420 минг тоннадан ортиқ пахта, 430 минг тонна дон етиштириб, катта меҳнат ютуқларини қўлга киритдилар. Ана шу ютуқларда дашт бағрида жойлашган зовурларни, дренаж — коллекторларни тозалаб, деҳқонларга шароит яратиб бераётган мелиораторларнинг ҳам ҳиссаси бор.

Вилоятда қарийб 500 минг гектар суғориладиган майдон мавжуд. Бошқарма ходимлари ана шу майдонларнинг ҳолатини доимий равишда назорат қилиб борадилар. Ернинг мелиоратив жиҳатини кузатиш учун 3056 та кузатув қудуғи бор. Ер ости сувларининг кўтарилиши, шўрланиш даражаси махсус лабораторияда аниқланиб, қишлоқ хўжалиги ташкилотлари эътиборига ҳавола этилади.

Вилоятимизда экин майдонлари юқори ва қуйи минтақага бўлинади. Қашқадарё водийси бошланадиган Ҳисор ва Зарафшон тизма тоғлари этакларигача чўзилиб кетган улкан ҳудуднинг катта қисмида зах кўтарилиши, ернинг шўрланиш даражаси жуда оз миқдорда. Қарши даштидан ўзлаштирилган, вилоятнинг қуйи қисмида эса бунинг тескариси. Коллектор-дренаж тармоқлари тозаланиб, шўр ювиб турилмаса, деҳқон кўзлаган мақсадга эриша олмайди. Шунинг учун ҳам 304 минг гектар майдонда шўрланишга қарши доимий суръатда текширишлар ўтказиб турилади. Ана шу майдонлардан тупроқ намуналари олиниб, лаборатория тахминидан ўтказилади ва шунга қараб тавсиялар берилади.

Вилоятда 13,9 минг километр коллектор-дренаж тармоқлари бор. Шунинг 2 минг 525 километрини хўжаликлараро коллекторлар, 4347 километрини ички хўжалик зовурлари, 7085 километрини эса ёпиқ ва очиқ зовурлар ташкил этади.

Шунингдек, Касби ва Қарши туманларида ернинг ҳолатини яхшилаш учун 484 та тик мелиоратив қудуқ ковланган. Улардан захни қочиришда фойдаланилмоқда.

**— Зах кўтарилиш баланд, деб топган майдонларда ҳам тафовут катта. Масалан, битта хўжалик пахта ва ғалладан 30-35 центнердан ҳосил олаётгани ҳолда, унга ёнма-ён иккинчи хўжаликда гектар бошига 15-20 центнердан, ҳатто бундан ҳам паст ҳосил олинаётганлигининг боиси нимада?**

— Муборак, Баҳористон, Косон, Қарши, Нишон, Усмон Юсупов туманларида 62 минг 622 гектар шўрланган майдонни аниқлаб, картага туширганмиз. Шундан 14 минг 180 гектар экинзор кучли шўрланган. Ушбу майдонларнинг шўрини ювмай, захини қочирмай, экин экиш, ундан юқори ҳосил олиш мумкинми? Мутлақо мумкин эмас.

Хўжаликлараро коллекторларни тозалаш давлат томонидан ажратилаётган маблағлар эвазига амалга оширилмоқда. Бунинг учун ҳар йили ўртача 50 миллион сўм ажратилаяпти. Бу миқдордаги маблағ билан хўжаликлараро коллекторларнинг 10-12 фоизини тозалаш, зарур нуқтагача чуқурлатиб бориш мумкин бўлаётир.

Хўжаликнинг ички коллектор-дренаж тармоқлари ҳар бир жамоанинг кучи, маблағи эвазига амалга оширилиши лозим. Масалан, Касби туманидаги Алишер Навоий номли, «Қашқадарё», «Ғалаба», Усмон Юсупов туманидаги «Женов», «Миришкор» жамоа хўжаликлари ҳам ер ости сувлари кўтарилиши мумкин бўлган минтақаларда жойлашган. Лекин бу хўжаликларда зах қочириш, шўр ювиш ишлари кўнгилдагидек амалга оширилганлиги туфайли пахта, ғалла, сабзавот ва бошқа экинлардан мўл ҳосил олинмоқда. Энг муҳими, аҳоли томорқаларидан катта даромад кўраётир.

Муборак, Баҳористон, Нишон туманларидаги аксарият хўжаликларда «маблағ йўқ» баҳонасида ички зовурлар, дренаж тармоқлари бир неча йиллаб тозаланмасдан келинаётгани оқибатида ер ости сувлари кўтарилиб, тупроқ шўрланмоқда. Бундан ушбу туманларнинг хўжаликлари жиддий зиён кўраяпти, деҳқончилик экинлари ҳосилдорлиги йил сайин пасайиб кетаётир. Чироқчи, Косон, Қамаши туманларидаги айрим хўжаликларда ҳам ана шундай манзараларни кўриш мумкин.

Кўпгина хўжаликларда коллектор-дренаж тармоқларини тозалаб, зарур нуқтагача чуқурлаштириш иши пайсалга солинмоқда. Бунинг учун етарли миқдорда маблағлар ажратишга эътибор йўқ. Туман ҳокимликлари, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари бу муҳим тадбирнинг тўла-тўкис амалга оширилишини таъминлашлари лозим бўлади. Айни пайтда йилига хўжаликларнинг ички коллектор ва дренаж тармоқларининг атиги 5-7 фоизи, хўжаликлараро коллекторларнинг 12 фоизи тозаланяпти.

1997 йилда 320 километр хўжаликлараро зовурлар тозаланиши режалаштирилган эди. Ҳозиргача бу вазифа 295 километрга бажарилди. Айни кунларда даштнинг турли тарафидан тортилган коллекторларни тозалашда «Қаршистрой» бирлашмасининг «Дренажстрой», «Мелиосувқурилиш» трестлари, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига қарашли «Эскианҳорканалқурилиш», «Қашқадарёсувқурилиш», «Ҳисораксувқурилиш» трестларининг механизаторлари иштирок этаяптилар. Турли участкаларда етмишга яқин экскаваторлар ишлатилмоқда.

**— Келгуси йил ҳосилини таъминлаш мақсадида қиш ва эрта баҳорда қандай тадбирларни амалга ошириш мўлжалланмоқда?**

— Мутахассисларимиз деҳқонларга 31 минг 364 гектар майдоннинг шўрини ювишни тавсия этишди. Жумладан, ўртача шўрланган 20,2 гектар ва кучли шўрланган 11 минг 112 гектар ерда шўр ювилиши лозим.

Шўрланган майдонлар мутахассислар томонидан карталарга туширилиб, неча гектар эканлиги аниқлаб берилди. Кучли шўрланган майдонларни икки мартадан ювиб чиқиш тавсия этилди.

Бошқармамиз ходимлари мелиорация ишларини амалга оширишнинг беш йиллик режасини ишлаб чиқдилар. Ана шу истиқболли режага кўра, хўжаликлараро, ички хўжалик зовурларини тозалаш, янгиларини барпо этиш, тик мелиоратив, кузатув қудуқларини таъмирдан чиқариш йилма-йил аниқлаб олинди. Тадбирларда қайси коллектор ёки дренаж тармоқларини қачон тозалаш ўз аксини топди.

Вилоятимиз коллекторларидан оққан зах ва шўр сувлар асосан Сичқонкўл, Султонтоғ ва Девхона деб номланган сув ҳавзаларига тушаётир. Чоғроқ Сичқонкўл кейинги бир неча йил ичида сув ҳавзаларидан бирига айланди. Ҳозир ушбу ҳавзада 850 миллион куб метрдан зиёд сув бор. Султонтоғ ҳавзасида 500 миллион куб метр, Девхонада 82 миллион куб метр сув мавжуд.

Шунинг учун суғориш мавсуми тугаган айни қиш пайтида ушбу сув омборларидаги зах сувларни Амударё орқали Орол денгизига ташлаш режаси амалга ошаётир. Бир неча километр масофада сув йўли очиб, зах сувлар дарёга ташланади. Баҳорда зах сувлари яна ушбу ҳавзаларда тўпланади.

Мелиорация ернинг умрини узайтиради. Ушбу тадбирни тўғри амалга ошириш билан экин майдонлари ҳосилдорлигининг 30-35 фоизга кўтариш мумкин.

**П. ГАДОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ўткир ХОШИМОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

# «МУШТИПАР»

*«Сверх-современний» ҳажвий ҳикоя*

— Мумкинми? Салом!

Рухсатингиз билан ўзимни таништирсам. Жонетта Кабуловна Халтаева... Мен, к сожалению, сизнинг сочиненияларингизни ўқиган эмасман. Хотя эшитганман. Мамашкалар тўғрисида ёзаркансиз...

Менинг ҳам тўртта болам бор... Нима? «Унақага ўхшамайди-ку», дейсизми? Раҳмат, комплимент учун! Ҳамма шунақа дейди. Мен мамамга ўхшайман. Мамам олтмиш ёшидаям аппетитний эди. Как куколка!

Кечирасиз, оловингиз борми?.. Йўқ-йўқ, мен «Морэ» чекаман... Сенкю! Зажигалкангизга гап йўқ!

Итак, тўртта болам бор. Маратик — Нукусда. Интернатда. Ёши... минуточку... Ёши ўн тўртда. Шу йил ўн тўртга киради. Папасига ўхшаган красавчик бўлади, Маратик! Смуглийлиги, кўзларининг разрези... Биринчи встречамиз практикага борганимда бўлган. Замминистр эди. Шунақа абаятельний, шунақа интеллигентний!.. Икки йилча турдик... Цивилизованний ажрашдик. Тўғрисини айтди. «Жанночка, жоним, деди, буёғи ишкал бўляпти, хотиним жалоба ёзибди, двоежонства учун партиядан ўчиришлари мумкин», деди. Биласиз, у пайтда бунақа масалалар строгий эди. «Маратик учун волноватся қилма, ўзим опекамга оламан, сен Тошкентга кетавер, тез-тез бориб тураман», деди. «О-кэй» дедим...

...Нигорочка — Самарқандда. Тоис, Нигорочка эмас, Наргизочка! Нигорочка — Қўқонда...

Икки йил олдин Самарқандга бордим. Наргизочканинг детдомига кирдим. Детдом — так себе, аммо директори ништяк экан! Дылда! Бўйи пачти икки метр! «Братан, дедим, Наргизочкадан хабар олишим қийин, ишим кўп», дедим. «Хотиржам бўлинг, Наргизочкага ўзим оталик қиламан», деди. Уч кун меҳмон бўлдим. Крутой эркак экан! Молодец!

Наргизочканинг папасиям крутой эди. Межрайонний нефтебазада директор бўлиб ишларди. Ёши элликдан ошган бўлсаям как огурчик эди! Самарқанднинг пахани эди. Хотинидан қўрқмасдан шиккарний тўй қилди. Ресторанда! Ёмон яшамадик... Қамалиб кетгани чатоқ бўлди... Ўша ёқдан хат ёзибди. Как будто ҳаммасига мен сабабчи эмишман. Э, тўкил, дедим! Бензинга дизтопливо қўшишни сенга мен ўргатдимми, дедим!

Аммо Нигорочкадан анчадан бери хабар ололганим йўқ. Қўқонга йўлим тушмаяпти. Отаси предпринематель эди. Такой паслушний... Киримни юварди, овқатимни қиларди. Кеч келсам, пойлаб ўтирарди... Қарасам, менга нотация ўқийдиган одат чиқардилар. Ҳар куни минғирлайди: «Жаннатхон, бегоналар билан гаплашманг, қоронғида кўчага чиқманг»... Томи кетган фанатик! Э, сирпал, дедим! Обберган бир хонали квартирангга как дурочка иккинчи хотин бўлиб ўтиришим керакми!

...Кечирасиз, яна оловингиздан... Сенкю! Между прочим, зажигалкангизга гап йўқ!.. Кўп чекасизми? Шавкатикнинг папаси ҳам кўп чекарди... Мана буни настоящий мужик деса бўлади! Қомат бесподобний! Бизнесни синдириб қўяди! Ҳамма иши «дода!» Тўртта хотинни вот так обеспечить қипқўйган! Разумеется, загсимиз йўқ эди. Впрочем, буниси неважно... Иккита «Мерси» бор эди. Бир йилча бўлди. Россияга кетганча дараги йўқ. Ўша ёқдаги братанлардан суриштирсам, кўрганимиз йўқ, дейди...

Шавкатик — ўзимда. Икки ёшга чиқди. Шустрий. Ходячий бомба! Между нами, бир гап айтайми? Уйга нотаниш «дядя»лар келса, халитдан мени ревновать қилади, паразит!

В общем майли. Ближе к делу! Менга сизнинг падержкангиз керак. Ҳокимиятга заявление берган эдим. «Мен мать-одиночкаман. Шаҳар марказидан квартира беришингизни сўрайман», деб. Борсам, бир пацан ўтирибди. Ўн кундан кейин келинг, деди. Бугун борсам, нима дейди, денг? «Тўрт хонали уйингиз бор экан-ку», дейди! Мен уни сенинг пулингга опманми? Худога шукр, бошимда эрларим, тоис эрим бор... Тоис бор эди. Бу уйни ўз пулимга сотиб олганман! Ўн беш минг «бакс»га! Тағин нима дейди, денг! «Опажон, монетний двордан чиқиб келдингизми, ҳамма ёғингиз бриллиант-ку», дейди! Менга комплимент қиляпти, сопляк! Бриллиантни сен совға қип қўйибсанми! Аёл бошим билан бизнес қиляпман. «Челнок»ка боряпман. Пекинга. Стамбулга. Дубайга... Осонми? Ҳар қадамда «мент!»

Кстати... Дубайда бўлганмисиз? Обязательно боринг! Техника — пачти даром! Тилла — навалом! Араблар темпераментний бў... Ну майли, буниси неважно...

Короче, ҳокимиятдаги ўша пацан «сизга уй йўқ, қаёққа борсангиз катта кўча», деди. Шуни боплаб бир фельетон қилинг! Аёл кишини унижать қилиш қанақа бўлишини билиб қўйсин! Фамилияси... Минуточку... Ёзиб олганман...

...Нима? Ёзмайсиз? Нега ёзмас экансиз?! Нима? Нима дедингиз? «Мен инкубатор тузатадиган уста эмасман», дедингизми? Ким «инкубатор?» Нега аёл кишини ҳақорат қиласиз! Нахал! Писака несчастний! Ма, зажигалканг бошингда қолсин!

**Ноябрь, 1997.**

*ЛУҚМА*

## ЮРАГИНГИЗ БАҚУВВАТМИ?

Кўчадан кетар эканман, атрофимдагилардан худди шундай деб сўрагим келади. Яқиндан бери шаҳар, ҳатто қишлоқ кўчаларида ҳам йўловчиларнинг «вой, вуй!» деган хитобларини эшитиб қоламан. Ажабланманг, сабабини айтаман. Болалар сиз билан «ҳазиллашишади». «Взрыв-пакет» — портлагич ўйинчоқлар савдоси чаққонлашиб кетган. Тижорат дўконларида, ҳатто кўчада ул-бул сотиб ўтирувчи «кичик» бизнесменлар ҳам шу нарса билан савдо қилишмоқда. Наҳотки шу нарсани сотишни ман этишни ва сотганларга катта миқдорда жарима тўлатишнинг иложи бўлмаса? Аксарият ҳолларда болалар кўпроқ хотин-қизларнинг оёғи остига портлагични отиб юборишади. У ёғини тасаввур қилиш қийин эмас...

**Г. АЛИБОЕВА.**

ДУНЁ ДАРАКЛАРИ

## ЖАҲОН НИГОҲИДАГИ ИСТИҚБОЛ

Инсониятни XXI асрда бир талай муаммолар кутмоқда. Шуларнинг ичида ёқилғи-энергетика заҳираларининг чекланганлиги энг ўткир муаммодир. Айрим сиёсатчиларнинг фикрига қараганда айни ёқилғи-энергетика ресурслари келгуси асрда давлатлараро муносабатларда етакчи омил бўлиши мумкин экан. Ҳозирда ана шундай муносабатнинг илк учқунлари намоён бўлмоқда. Марказий Осиё нефть ва газ заҳираларига бойлиги билан ажралиб туради. Ушбу ҳудудда айни бойликнинг аниқланган заҳиралари енг шимариб ишга киришишни тақозо қилади.

Жон Хопкинс университети қошидаги Марказий Осиё институти директори Фредерик Старнинг минтақадаги йирик нефть ва газ заҳираларининг геосиёсий аҳамиятига бағишлаб Лондонда ўтган анжуманда илгари сурган ғояларини шарҳлаган «Озодлик» радиоси хабаридан шу нарса маълум бўладики, олимнинг фикрича, чет эл сармоясининг кириб келиши учун минтақада хавфсизлик ва барқарорлик бўлиши лозим. «Марказий Осиёдаги барқарорликнинг кўп жиҳатдан минтақанинг қудратли қўшниларига боғлиқ эканини ҳамда минтақа давлатларининг айримлари ҳамон жиддий ички низолардан азоб чекаётганлигини» таъкидлаган олим **«бугунги кунда фақат 24 миллион аҳолига эга бўлган Ўзбекистонгина минтақавий куч ролини ўйнаш имкониятига эга»**, деб мамлакатимиз салоҳиятини жуда юксак даражада эътироф этди.

Иттифоқ емирилиб, Марказий Осиё давлатлари мустақилликка эришгач, бу ерда кўплаб қудратли давлатлар манфаати тўқнашиб, янги геосиёсий кураш авж олишидан ташвиш ҳам билдирилган эди. Кейинги воқеалар эса манфаатлар тўқнашуви эмас, балки манфаатли ҳамкорлик вужудга келаётганлигини кўрсатади. Ҳамкорликнинг асосий йўналиши эса энергетика заҳираларига қаратилганлиги яқин йиллар ичида бир томони саҳро, иккинчи бир томони осмонўпар тоғлар қуршовидаги ўлкаларга иқтисодий тараққиётга эришиш эшикларини очмоқда. Кузатувчиларнинг айтишича, фақат барқарорлик бўлса кифоя, шунда трубаларнинг бир томонидан нефть ва газ оқса, қарама-қарши томонидан сармоялар оқиб келаверади. Минтақада хавфсизликни сақлаш учун астойдил интилаётган Ўзбекистоннинг йўли худди шу нуқтада манфаатдор Ғарб ва Осиёнинг йирик давлатлари билан тамоман бирлашиб кетади.

Шу ўринда бу соҳада ҳам Ўзбекистоннинг ўзига хос сиёсати борлигини эслатиб ўтиш жоиз. Минтақадаги айрим давлатлар ҳали чет сармояларга кўз тикиб, нефть ва газни фақат хомашё сифатида экспорт қилишни ўйлаб турган бир пайтда, юртимизда бундай ноёб табиий бойликларни қайта ишлаб тайёр маҳсулотга айлантириш аллақачон бошлаб юборилганлиги кўпчиликка маълум. Ишга туширилган Бухоро нефтьни қайта ишлаш заводи, Кўкдумалоқ компрессор заводи ва қурилиши мўлжалланаётган Шўртан газ-кимё комплекси фикримиз далилидир.

Янги аср бошида минтақа энергия ресурслари жаҳон иқтисодиётини ҳаракатга келтирадиган кучлардан бири бўлиб қолса ажабмас.

**Жалолиддин САФОЕВ.**

## ШАХМАТ МУСОБАҚАЛАРИ ЯКУНЛАНДИ

Қарши шаҳридаги «Шоҳруҳ» шахмат клубида бўлиб ўтган шахмат бўйича мамлакат ёшларининг биринчи спартакиадаси ниҳоясига етди. Кескин спорт мусобақалари шароитида ўтган беллашувларда республикамизнинг турли вилоятларидан ва Тошкент шаҳридан 16 ёшгача бўлган ўғил болалар, қизлар иштирок этишди.

Ўғил болалар ўртасида бўлиб ўтган мусобақаларда республикамиз пойтахтидан ташриф буюрган ёш шахматчилар ўз иқтидорларини намойиш этиб, биринчи ўринни эгалладилар. Тахта устидаги баҳсларда Самарқанд ва Тошкент вилояти вакиллари иккинчи ва учинчи фахрли ўринларга сазовор бўлишди.

Қизлар ўртасида ўтказилган шахмат мусобақаларида Самарқанд вилояти вакиллари биринчи ўрин соҳиби бўлди.

Тошкент шаҳри вакиллари Аҳмад Бобоев, Сергей Қаюмов, самарқандлик опа-сингил шахматчилар Ирода ва Шаҳноза Ҳамроқуловалар энг кўп очко тўплаб, ўз командаларининг олдинги ўринларни эгаллашларига муносиб ҳисса қўшдилар.

Мусобақа ғолиблари Қашқадарё вилоят ҳокимлиги, республика спорт қўмитаси, спартакиадага ҳомийлик қилган корхона ва ташкилотлар томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

**П. ГАДОЕВ.**

*ЯНГИЛИК*

## КЎНГИЛНИНГ «ТЕЗ ЁРДАМ»И

**Инсон руҳиятини тушуниш – ҳаётнинг асл моҳияти бўлса керак. Руҳияти бардам инсон ҳамма нарсага мамнунлик кайфияти билан қарайди. Оиласида хотиржамлик, ишида унум бўлади. Ҳаётнинг қадрига етиб яшайди.**

Киноларда кўрганимиз, китобларда ўқиганимиз бор. Хорижий мамлакатларда социологик таҳлил ва руҳий мадад бериш хизмати яхши йўлга қўйилган. Самарқандда ташкил этилган «Сабр» ишонч марказини эшитганимда, телефон орқали руҳий мадад бериш ҳолатини кўз олдимга келтирган эдим. Шарқона тарбия – оиланинг сирини кўчага олиб чиқишга ўрганмаганмиз. Лекин ишда, оилада баъзан шундай чигал вазиятларга дуч келамизки, танишингга дардингни айтишга чўчийсан, яқин кишингдан уяласан. Кўнгилда сақлаб юриш... юракка ортиқча юк бўлади.

Хуллас, «Сабр» ишонч маркази ўсмирлар ва аёлларга руҳий мадад беришга тайёр. Телефон орқали мулоқот усули танланган.

Марказ ташкил этилди, иш бошланди. Телефон рақамлари эълон қилинди. Психолог, гинеколог, сексапатолог, ҳуқуқшунос хизматга тайёр. Лекин кутилган нарса бўлмади. Телефон орқали мурожаат қилувчилар жуда кам эди. Ҳамманинг телефон қилишга имконияти йўқ, қолаверса, қишлоқ жойларида дардни телефонда айтиш... Кейин бошқача иш услубини танлашди. Маҳаллаларга боришадиган, қишлоқ туманларига чиқадиган бўлишди.

Сал орқага чекинсак. Марказни тузиш ғояси Буюк Британиядаги Билстон коллежи томонидан аёллар ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра юзага келди. Сўровда қатнашганларнинг кўпчилиги бизнинг шароитимизда ҳам ўсмир ва аёлларни руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватловчи марказнинг зарурлиги тўғрисидаги саволга ижобий баҳо беришди. Марказни тузиш лойиҳаси ёзилди. Америкалик ҳомий – Каунтерпарт консорциумидан грант олинди.

Маҳаллаларда аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилди, алоҳида фильмлар яратилди, мақолалар берилди. Нафақат телефон орқали мулоқотлар, балки тўғридан-тўғри маслаҳат олишлар юзага келди. Оиладаги муносабатлар, келишмовчилик, ўсмирларнинг ҳуқуқий тарбияси, аёллар ўртасида юз берадиган нохуш ҳолатларнинг олдини олиш бўйича очиқ суҳбатлар, семинарлар уюштирилмоқда.

Ҳафтанинг икки кунида оила қуришга ариза берган ёшлар билан алоҳида суҳбатлар ташкил этилган. Улар «Сабр»даги суҳбатсиз рўйхатдан ўтмайдилар. Бу эса икки ёшнинг оила қуришдаги масъулиятини оширади, бир-бирини руҳий томондан тушунишга кўмак беради. «Пардали» бўлган баъзи нарсаларни ошкора билиб оладилар ва мустақил ҳаётга қадам қўядилар. Келажакда икки ёшни тиббий кўрикдан ўтказишга тайёрлаш ҳақида ҳам ниятлар бор.

«Сабр» ишонч марказига мурожаат қилганлар таҳлил қилинганда уларнинг кўпчилиги (76,6 фоизи) хотин-қизлар эканлиги маълум бўлди.

Марказнинг фаолияти мунтазам бўлиши ва кенгайиши учун керакли шароитлар яратилмоқда. «Сабр»чилар Англиядаги «Самаритяне» кризис маркази ва Билстон жамоатчилик коллежи усули бўйича иш юритмоқда. Буюк Британияда ўтказилган семинарда «сабр»чилар ҳам иштирок этишди. Хорижга сафар пайтида ўзлари билан биргаликда кашта, зардўзлик маҳсулотлари, миллий кийимларни олиб боришди. Ва ўша ерда миллий буюмлар кимошди савдосини ташкил этишди. Бу ишда Буюк Британия парламенти аъзоси Денис Тернер ва «Билстон-Олима»нинг биргаликдаги лойиҳа раҳбари Барбара Сазеленд кўмак беришди.

Ҳамма яхши нарсалар – инсон учун. «Сабр»нинг ташкил этилишидан мақсад аниқ – инсонларнинг кайфияти яхши бўлишига кўмаклашиш. Телефондаги суҳбатлар, маҳаллалардаги учрашувлар ва юзма-юз мулоқотлар уларнинг олдига қўйган мақсадларига эришаётганидан дарак беради.

Ҳар куни ишга келар эканмиз, атрофимиздагиларга бефарқ бўлмайлик. Тушкунликка тушган одам ёнидан лоқайд ўтмайлик, токи уни «сабр»чиларга мурожаат қилишига ҳожат бўлмасин. Руҳи бардам бўлсин.

**Гули ЧЕҲРА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



*Ургут қиёфаси бугунги кунда амалий санъатимиз акс этган кўркам бинолари билан алоҳида ажралиб туради.*

*Навоий номидаги Давлат мукофоти совриндори Мақсадулло Эргашев ҳамда ёғоч ўймакорлиги устаси Абдушукур Сатторовларнинг ёшларимизда қадимий санъатимизга қизиқиш уйғотишда муносиб ҳиссаси бор.*

**Тоҳир НОРҚУЛОВ олган сурат.**

Акс-садо

## ЁТ ШЕЪРНИ ЁДЛАШ ҚИЙИН

*«ШЕЪР ЁДЛАШ ҚИЙИНМИ»?. 30 СЕНТЯБРЬ, 1997 ЙИЛ.*

**Катта ислоҳотлар даврида баъзи бир кичкина нарсалар унутилиши, айрим кичкина гаплар айтилмай қолиши мумкинлигини ҳеч ким инкор қилмаса керак. Аммо ўша назардан четда бўлган нарсалар ичида баъзан шундайлари ҳам бўладики, айнан унга бўлган эътиборсизлик катта ишларнинг оёғига тушов бўлиб қолиши мумкин.**

Назаримда, болаларнинг эстетик тарбияси бугун бизнинг эътиборимиздан бирмунча четкада қолаётир ва унинг натижаси Ўзбекистоннинг порлоқ келажагига ўз таъсирини ўтказиши эҳтимолдан холи эмас. Шу маънода «Халқ сўзи» газетасининг 30 сентябрь сонида босилган «Шеър ёдлаш қийинми»? мақоласи мени жуда хурсанд қилган эди. У жамоатчиликнинг фикрини айни масалага яна бир бор тортар, деб умид қилгандим. Афсуски, орадан бир ойга яқин вақт ўтиб бораётган бўлса-да, биронта зиёли, биронта жонкуяр бу ҳақда ўз фикрини айтишни эп кўрмаётир.

Муаллиф ушбу мақолада кўтарган муаммо аслида ҳар биримизнинг бошимиздан ўтган. Совет мактабида таълим олган барча ватандошларимиз билишади «шеър ёдлаш» нима эканлигини. Ўқитувчидан қўрқиб нималарни ёдлаб бормаганмиз, ахир. Гап нима ҳақдалиги эса хаёлимизга ҳам келмасди. Муҳими, уни ёддан айтсак, танбеҳдан қутулиб қолсак бўлди эди. Оқибатда аксарият болалар шеър нима эканлигини англамай мактабни битирдилар. Бу дегани, у умрбод шеъриятдан узоқ бўлади, дегани эмасми? Унда натижаси нима бўларкин?

Жавоб аниқ — натижани бугун кўриб турибмиз. Инсоний туйғулардан маҳрум, бағри тош одамлар ҳар қадамда жамият тараққиётига тўғаноқ бўлмоқда.

Шуларни ўйласам, мақола муаллифининг «қимтиниб-қисиниб шеър ўқиган бола эртага ким бўлади?!» деган шубҳали саволи ўринли эканлигига амин бўламан ва қўшиб қўйгим келади. «Кеча қимтиниб-қисиниб шеър ўқиган бола бугун ким бўлди?».

Аммо муаллифнинг фикрларида мунозарали ўринлар талайгина. Масалан, у:

*«Келди баҳор, гул баҳор,*
*Эриб битди оппоқ қор»*

каби мисраларни «чайналиб, ютиниб, бир амаллаб» айтаётган болада на ҳис, на ҳаяжон йўқлигидан куюнар экан, жанговар, кўтаринки руҳдаги шеърлар кераклигини таъкидлайди. Шундай шеърлар мисоли сифатида эса Амин Умарийнинг:

*Олтин жамол фаслсан,*
*Кўнглим каби аслсан,*
*Бағриңдаги гулингман,*
*Сайроқи булбулингман*

мисраларини тавсия қилади. Энди ўйлаб кўринг, баҳор фасли келганлиги-ю, қорлар эриб, қиш белгилари ерни тарк этганлигини ҳис қилмасдан «бидир»лаётган бола кўнгилнинг асл эканлиги-ю, фаслнинг олтинга ўхшашлигидан ҳаяжонланиб ёдлармикин кейинги шеърни?

Йўқ. Тушунмай ёдлаётган бола учун ҳар иккала шеър ҳам бир хил. Демак, биз бошқа йўлдан боришимиз керак. Аввало, танланган шеър бадиий гўзал бўлиши лозим. Аммо унинг жўн бўлишига ҳам интилмаслик даркор. Аксинча, қанчалик теран фикрга ундай олса, шунча яхши. Энди гап фақат ўқитувчида қоляпти. Аввало, унинг ўзи шеърни севиб, ҳис қилиб ўқисин. Унинг моҳиятига сингиб кетсин ва ўқувчиларни ҳам ўша уммонга жалб қилсин. Шундагина ўқувчи гўзалликнинг илдизига етиб боради ва шеърни севиб, ҳис қилиб (тушуниб демоқчи эмасман) ёд олади. Шундагина у шеър ёдлашни мажбурият деб эмас, эҳтиёж сифатида қабул қилади: ёдлаётган шеъри унинг ўз мулкига айланади. Демак болани шеърга, шеърни унинг қалбига олиб кириш керак.

*Ёмғир ёғар, шиғалаб ёғар,*
*Томчилар томчилар сочимга.*
*Ёмғир ёғар, шиғалаб ёғар,*
*Ҳам қайғумга, ҳам қувончимга.*

Ўқитувчи бу шеърни шундай ўқисинки, ўқувчи ўз сочига томаётган томчиларни ҳис қилсин...

**Нурбек ТОШНИЁЗ.**


ВРАЧЛАР УЧУН АХБОРОТ

АПЗОН



- ЖКТ катогенларига танлаб таъсир этадиган восита;
- кенг спектр, резистентга ўрин қолмайди;
- ичакларнинг нормал ҳолатини бузмайди;
- ЖКТ бўшлиқларида тўпланади.

ДОЗА 5-10 кун давомида кунига 4 марта 1 таблеткадан

"СУВЖИҲОЗГАЗ"

Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси

Тошкентдаги омборидан

3009 навли, хуштаъм

ХИТОЙ КЎК ЧОЙини

арзон ва улгуржи нархларда сотади.

Тўлов шакли турли хил.

Мурожаат учун манзил:
Ҳамза тумани, "ЭЛБЕК-26"
("Чкалов" метроси яқинида, 9 қаватли уйнинг 1-қаватида жойлашган)

Тел.: 96-26-21, 96-06-87.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тел.: 136-09-25

«Заркент» шахсий фирмасининг юмалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Заркент шахсий фирмаси маъмурияти.


ЎзР ФА Ботаника институти меҳнат жамоаси фотобиотехнология лабораторияси мудири, биология фанлари доктори Ҳурсанали Бердиқуловга ўғли **Бахтиёр БЕРДИҚУЛОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдиради.

Республика Биржа маркази Бош директори Аъзам Тўрахоновга оналари **Тўрапошша ая ТИЛЛАХОНОВАнинг** вафот этганликларини чуқур қайғу билан билдириб, марҳуманинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига ҳамдардлик изҳор этадилар.

«Ўзпаррандасаноат» уюшмаси раҳбарияти ва бошқарув жамоаси «Паррандадори» ЖЧЖ раҳбари **Акром ФАЗЛИДДИНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Жаҳон адабиёти» журнали таҳририяти жамоаси журнал бош муҳаррирининг ўринбосари Мирпўлат Мирзаевга акаси **Тошпўлат МИРЗАЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик Маркази жамоаси марказ семинар раҳбари Шавкат Иброҳимовга отаси **Мўмин ота ИБРОҲИМОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси жамоаси «Маориф ва Тарбия» Бош муҳарририятининг катта муҳаррири **Ғуломхон ҒОФУРОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан оила аъзолари, қариндош-уруғларига ҳамдардлик билдиради.

А. Р. Беруний номли Тошкент Давлат техника университети ректорати ва республика миллий лицей-интернати ўқитувчи ва ўқувчилари жамоаси Ўзбекистон халқ артисти Ғуломжон Ёқубовга фарзандлари **АЛИШЕР ва ЗАФАРЖОНларнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

«Ўзсаноатқурилишбанк»и Қатортол бўлими меҳнат жамоаси банк пул муомаласи ва қимматбаҳо қоғозлар бўлими бошлиғи Шердон Жўраевнинг падарибузруквори **ЎРАЗАЛИ отанинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг аҳли оиласига Аллоҳ таолодан сабру жамил сўраб ҳамдардлик изҳор қилади.


ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 133-57-34;
Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-07-94;
Иқтисодиёт 136-36-65;
Маънавият 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар 136-29-89, 133-07-48;
Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;
Халқаро ҳаёт 132-11-15;
Котибият 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0747, 33.805 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Т. Абдураҳмонов.
Навбатчи — Б. Норбоев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 22.00 1 2 3 4 5 6